Huquqiy ma`rifat

# МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

## УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд ислоҳотларидан кўзланган мақсад — инсоннинг ҳуқуқ, эркинлик ва манфаатларини қонуний асосда ҳимоя қилишдан иборат. Шу аснода, судларнинг фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ихтисослаштирилгани натижасида суд ҳокимияти фаолиятининг суръати ва сифатини юксалтиришда мустаҳкам замин яратилди. Айни пайтда бу ислоҳотлар нафақат ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришни, суд ҳокимияти мавқеини кўтаришни, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни ҳам ўз ичига қамраб олади.***

Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий саводхонлик савиясининг кўтарилиши жамиятда кишиларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини тобора чуқурроқ англаб, судларга даъво аризалари билан мурожаат қилаётганларида намоён бўлаётир. Зотан, судларда кўрилаётган фуқаролик ишлари сонининг кейинги йилларда кўпайиб бораётгани ҳам фикримизга далил бўла олади. Бу ишларнинг аксарият қисмини меҳнат ҳуқуқларининг бузилгани билан боғлиқ низоли фуқаролик ишлари ташкил этади. Хусусан, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини ундириш ҳамда ишга қайта тиклаш ҳақидаги даъво аризалари шулар жумласидандир.

Маълумки, мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият юритадиган корхона, муассаса ва ташкилотларда шартнома асосида ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга доир муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бироқ, айни пайтда, ўз вақтида берилмаган ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини ундириш ҳақидаги даъволари бўйича фуқаролик ишларини кўришда ҳар доим ҳам қонун талаблари тўғри қўлланилмоқда, деб бўлмайди. Бу турдаги ишларни кўришда судьялар Меҳнат кодексининг 9 боб, 153-164-моддалари талабларидан келиб чиқишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 март ойида қабул қилинган **"Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбир тўғрисида"**ги қарорига, Республика Олий Суди томонидан чиқарилаётган **"Суд амалиёти"** тўпламидаги йўриқлар ва ибратли мисолларга таянишса, бу ишларни тез ва адолатли ҳал этилишига катта ёрдам беради.

Меҳнат низолари билан боғлиқ фуқаролик ишларини умумлаштирганда шуни кузатиш мумкинки, судларда кўрилаётган бу турдаги ишларнинг аксариятини туман прокурорлари томонидан қўзғатилаётган ишчиларнинг меҳнат ҳақларини ундириш билан боғлиқ низоли масалалар ташкил этмоқда.

Шу ўринда прокурорлар томонидан қўзғатилаётган даъво аризаларнинг барчаси асослими, деган савол туғилади. Кўрилаётган ишлардан аён бўлишича, қўзғатилаётган фуқаролик ишлари юзасидан судга тақдим этилган ҳужжатларда тарафлар ўртасида низо йўқ. Яъни жавобгар ташкилот ўз ишчи, хизматчисидан иш ҳақи бўйича қарздор эканлигини тан олади ва уни тўлаш мажбуриятини рад этмайди. Бунга эса манфаатлари ҳимоя этилаётган ишчилар эътироз билдиришмайди. Айни ҳолат тарафлар ўртасида низо йўқлигини тасдиқлайди. Натижада суд Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддаси, 5-бандига асосан, иш юритишни тугатишга мажбур. Шу сабабли даъвогар ўз аризасида иш ҳақини ундириш учун асосли далилларни, яъни даъвони қаноатлантириш учун етарли даражада асос бўладиган ҳолатларни тўлиқ аниқлаб, иш ҳақининг ихтиёрий тарзда тўланмаётган сабабларини аниқлаб, ҳаққоний далилларни тақдим этиши мақсадга мувофиқдир.

Судьялар мазкур турдаги ишларни кўришда Меҳнат кодексидан ташқари, Республика Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги **"Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида"**ги 12-сонли қарори талабларидан келиб чиқишлари, шунингдек, жавобгар ташкилотларнинг жамоа шартномасини, ички меҳнат тартиб-қоидаларини, меҳнат шартномаси қоидаларини, корхона низоми каби бошқа меъёрий ҳужжатларни, низога сабаб бўлган ҳолатларни тартибга солувчи қонун ости актларини чуқур ўрганиб, иш кўриши лозим бўлади. Чунки ушбу меъёрий ҳужжатлар ишнинг қонуний ва адолатли ҳал этилишида катта ёрдам беради.



Меҳнат шартномасини бекор қилиш учун тарафларнинг ўзаро келишуви, улардан бирининг ташаббуси, шартнома муддатининг тугаши, тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар, меҳнат шартномаисда назарда тутилган ҳолатлар асос бўлади. Меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшмаси қўмитаси ёки бошқа вакиллик органининг розилиги олингани ёки олинмаганига, меҳнат шартномасини бекор қилиш Меҳнат кодексининг 107-моддаси талаби асосида расмийлаштирилганлигига, бу ҳақдаги буйруқ нусхаси ва меҳнат дафтарчаси қонунда белгиланган муддатда берилганлигига, шунингдек, ходимга ишдан бўшатиш нафақаси ёки иш ҳақлари белгиланган мухлатда берилганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Меҳнат низолари билан боғлиқ фуқаролик ишларидан яна бир тури ғайриқонуний тарзда бошқа ишга ўтказиш билан боғлиқ низолардир. Меҳнат кодекси талабларига кўра, иш берувчи ходимни доимий ва вақтинча бошқа ишга ўтказишда, албатта, ундан ёзма равишда розилигини олиши, вақтинча бошқа ишга ўтказилганда эса мухлат тугагач, иш берувчи ходимга аввалги ишини қайтариб бериши шарт.

Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказишни сўраб қилган илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар боис келиб чиққан ва у сўраган иш корхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан унинг илтимоси қаноатлантирилиши керак. Бу хилдаги ишларни ҳал этишда ҳам иш берувчи корхонанинг жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнат шартномаси талабларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг қонунга қанчалик мослигини ҳам эътиборда тутиши зарур. Меҳнатга оид муносабатларда келиб чиқадиган низоли ишларни ҳал қилишда корхона раҳбари томонидан Меҳнат кодекси талаблари қўпол равишда бузилгани ҳолатлари аниқланганда мазкур қонун талабларини бузиш такрорланмаслиги учун судлар томонидан хусусий ажримлар чиқарилиб, юқори ташкилот бошлиқларининг муҳокамасига юборилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

**О. ТАНГМАТОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Jamiyatimiz maqsadi

# ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ ШАРТИ

***Оилани жамиятнинг кичик кўринишига қиёслашади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки оилада оддий инсоний муносабатлардан тортиб, ижтимоий жараёнлар ҳам таркиб топади, камолга етади. Бас, шундай экан, бу муқаддас даргоҳга қадам қўяётган ҳар бир ёш келин-куёв унинг юксак масъулиятини чин дилдан ҳис этиши керак. Бу масъулият замирида энг катта бойлик ҳисобланадиган саломатлик муҳим аҳамият касб этади.***

***Аниқроқ айтганда, саломатлик миллат келажагига дахлдор масъулиятдир. Агар эътибор қилсангиз, Юртбошимиз мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб "Соғлом авлод Давлат дастури"ни кун тартибига қўйганди. Ўтган шукуҳли йилларнинг турлича номланишининг асл ва ягона муддаоси ҳам битта ғояга, яъни миллат генефондини яхшилашга қаратилгани ҳам бежиз эмас. Шаҳрисабз ФҲДЁ бўлимининг мудираси Нуринисо Бобоева билан суҳбатимиз ҳам айни шу хусусда кечди.***

— Буюк соҳибқирон Амир Темурга бешик бўлган Шаҳрисабзда тузилаётган ҳар бир никоҳ аҳдномаси миллий анъаналаримизга хос, қолаверса, бугунги фараҳбахш кунлар жозибасини акс эттирадиган бекаму кўст, бир умрга татигуликдек бўлишини нақадар исташимни билсангиз эди, — деб гап бошлайди Нуринисо опа. — Инсон умрида никоҳдан ҳам ортиқ хушбахт кун кам топилади. Бу кунни ғоят шодмонлик билан ўтказиш ҳақида пайғамбаримиз ҳадисларида ҳам алоҳида таъкидланган. Ўтган йилги сарҳисоб бўйича бўлимимизда жами бўлиб 1475 та никоҳ қайд этилди. Энг муҳими, уларнинг 100 фоизи тиббий кўрикдан ўз ихтиёрлари билан ўтишди. Бу — некбин ният билан оила қурган йигит-қизлар аввало соғлом оила учун, соғлом авлод учун, миллат келажаги учун қайғурмоқда, деган маънони англатади.



Бўлимимизда ёшларни ҳуқуқий онг савиясини юксалтириш учун "Меҳр-муҳаббат оила устуни", "Оила бошлиғи масъулияти", "Аёл эъзози" каби мавзуларда ўтказилган суҳбат ва тадбирлар, савол-жавоб кечалари ўтган йилнинг саҳифаларига зеб берди, дея баралла айтиш мумкин.

Суҳбатимизга Шаҳрисабз туманидаги "Оила ва никоҳ" репродуктив саломатлик маркази раҳбари, тажрибали шифокор Шерали Остонов шундай қўшимча қилди: — Бўлимимизда фаолият кўрсатаётган 21 нафар ходимнинг асосий вазифаси аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб-ташвиқ қилиш ва бўлажак оила соҳибларини беминнат тиббий кўрикдан ўтказишдан иборат. Ўтган йил якунлари бўйича хулоса қиладиган бўлсак, ёшлар тиббий кўрикнинг мақсад ва ниятини тўлиқ англаб етишди. Ходимларимиз эса кўп нарса яхши ташкил этилган тарғибот ва ташвиқотга боғлиқ эканлигини тўғри тушундилар. "Сиҳат-саломатлик йили"да ҳам режаларимиз янада кўп. Соғлиқни энг катта бойлик деб тушунадиган элимизнинг боши омон бўлсин!

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бугунги кунда оилага кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик ва эътибор мазмун-моҳияти билан эртанги кунга, буюк келажакка хизмат қилади.

**Ғози РАҲМОН**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



*Мустақиллик иншоотлари*

Muhokama uchun mavzu

# ҚАРЗ БЕРИШ ФАЗИЛАТ

## Бироқ айрим кимсалар томонидан ана шу фазилат суиистеъмол қилинаётгани ҳақида

***Истиқлолнинг эркинлик сиёсати, туфайли ўзлигимизни англадик, қадриятларимиз эъзозланмоқда. Қадр топган қадриятлар сифатида эса халқимизнинг бағрикенглиги, очиққўллиги ва саховатпешалиги, яхши-ёмон кунида бир-бирини суяши, мададкор бўлишини айтиб ўтиш мумкин. Қон-қонимизга сингиб кетган бу қадриятлар кейинги йилларда янада теран мазмун касб этиб кўнгилларга ажиб илиқлик бағишламоқда. Меҳру муҳаббатга, мурувватга бурканган бу инсоний фазилатлар ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди.***

***Айтайлик, оддийгина қийналган кишига қарз бериш, унинг ҳожатини чиқариш ҳам гўзал одатларимиздан бири саналади.***

***Бироқ ҳаётда ана шундай гўзал одатимизни кўр-кўрона суиистеъмол қиладиган кимсалар ҳам учраб туради. Қуйида ана шу ҳақда баҳс юритамиз.***

Яқинда таҳририятимизга Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-даҳа, 19 "Б"-уй, 34-хонадонда яшовчи Рисолат Сулаймонова мурожаат қилди. У шундай ёзади:

*"... Судхўрга ишингиз тушганми?! Менинг эса ёшим эллик саккизга кириб судхўрга ишим тушди. Келинг, яхшиси барини бир бошдан гапириб берай. Бундан бир неча йил муқаддам узоқ йиллик қўшнимнинг (худди туғишгандек бўлиб кетгандик) ўғли чиқиб, "опа, мен тижорат билан шуғулланаяпман. Шунга пул керак. Ўзимизни ва сизни уйингизнинг ҳужжатларини гаровга қўйиб пул олмоқчи эдим. Агар иложи бўлса, уй ҳужжатларингизни бериб турсангиз", деди.*

*Кўздай қўшни бўлсак, йўқ, дея олмадим. Орадан тўрт-беш кун ўтиб, у яна уйимга келди ва "опа, қарзни нотариал идорадан расмийлаштириш керак экан, шунга сизнинг ҳам имзоингиз керак бўлиб қолди. Бирга борсангиз", деб илтимос қилди. Яна йўқ, дея олмадим. Хуллас, нотариал идорада уй-жойни гаровга қўйиш ҳақида ҳужжат имзоладик. (Кейинроқ билсам, қарз берувчи уй-жой олди-сотдиси ҳақидаги ҳужжатни имзолатиб олган экан).*

*Орадан бир йилдан ошиқроқ вақт ўтиб, уйимга қўшнимнинг ўғлига пул берган одам кириб келди. Ҳе йўқ, бе йўқ, "уйни бўшатасан", деб туриб олди. Ҳовлиқиб қўшниникига чиқсам, у ерда ҳам шу ҳангома. Ўғлининг йил давомида судхўрга берган пули қарзга олинган маблағнинг миқдоридан кўпроқ экан. Лекин бу маблағ фақат олинган пулнинг фоизига ҳисобланибди. Асосий қарз эса ҳали тўланмаган экан...*

**(Давоми тўртинчи бетда)**

Jahon tajribasi

# "ЖИМЖИТЛИК" БАҒРИДА ТУҒИЛГАН МЎЪЖИЗА

***Бундан роппа-роса 85 йил муқаддам бугун дунёга кунчиқар юрт номи билан машҳур бўлган Японияни камдан-кам одам биларди. Чунки мамлакат иқтисодий қолоқлик ва бугунги иқтисодчилар тили билан айтганда, "жимжитлик" қучоғида "тинч"-гина ухларди. Ана шу "жимлик" қўйнида янги — бугунги кунда Япон мўъжизаси номини олган — иқтисодий уйғониш юз берди.***

Бугун бутун дунёни лол қолдираётган япон технологияси, унинг асосчилари оддий, томи сомон билан ёпилган устахоналарда қўлбола ускуналардан фойдаланиб ана шундай мўъжизалар яратган, десак, кўпчилик ишонмаслиги мумкин. Лекин аслида ҳам шундай бўлган. Масалан, бугун дунёнинг энг қимматбаҳо машиналаридан бири ҳисобланувчи "Тойота"нинг тархи тикув машинасидан олинган. "Мицубиси" автомашинасининг "бобокалон"и эса, оддий балиқ овчилари учун мўлжалланган қайиқ бўлган экан. Бугун кўпчилик учун оддий нарсага айланиб қолган "Панасоник" телевизорининг "бобо"си эса, оддийгина уйни иситишга мўлжалланган печка бўлган десак, ишонаверинг.

Ўша оғир йилларда японлар қиш кунлари уйларини ўтин ва кўмир воситасида иситишган. Дудбуронли печкалар йўқлиги боис аксарият ҳолларда кўмир газидан заҳарланиш ёки ёнғин ҳодисалари учраб турарди. Айнан мана шу заҳарланиш ва ёнғиннинг олдини олиш мақсадида чекка бир қишлоқда истиқомат қилувчи Коносуке Мацусита янги иситиш ускунаси — бугунги печкани яратди. Шундан кейин янги ихтиро — "қиздирувчи қути" қўлма-қўл бўлиб кетади...

Орадан бир неча ўн йил ўтиб, Мацусита фирмаси мамлакатнинг йирик, иқтисодий бақувват корпорацияларидан бирига айланди. Энди корпорация "қиздирувчи қути" шаклидаги "кўрсатувчи қути" — яъни телевизор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб олган эди. Шу тариқа аввалига оддийгина фирма бўлган корпорация бугун жаҳон бозорида маиший техника воситалари ишлаб чиқарувчи улкан корхоналардан бирига, таъбир жоиз бўлса, шу йўналишда иш юритадиган корхоналарнинг илк қалдирғочи ҳамда етакчисига айланди.

Агар кекса авлоднинг ёдида бўлса, собиқ иттифоқ даврида ҳам "КВН" номи билан телевизорлар сотувга чиқарилган. Аммо кишини ҳайратга соладиган томони шундаки, бугун Токиодаги маиший техникалар музейига кирсангиз, японлар биринчи бўлиб ихтиро қилган оқ-қора рангли телевизорга кўзингиз тушади. Бу телевизор "КВН"дан деярли фарқ қилмайди. Демак, "КВН" японларнинг оқ-қора рангли телевизоридан олинган "кўчирма", деб бемалол айтиш мумкин.



Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу мўъжизавий техника воситаларини сотиб олиш учун ўша пайтда оддий япон хизматчиси ўртача ойлигининг 20 баравари керак бўларди. Бу тахминан бугунги 6000 АҚШ долларига тўғри келади.

Бугун корпорация тарихи билан батафсил танишишни истаган ҳар бир япон фуқароси ёки хорижлик меҳмон Мацусита корпорациясига қарашли ҳар бири тўрт қаватдан иборат икки ойнаванд бинога ташриф буюриши мумкин. Шунингдек, ойнаванд бино томига ўрнатилган қуёш батареялари бутун бинони ёруғлик ва иссиқлик тизимига хизмат кўрсатаётганига ҳам гувоҳ бўласиз. Бу ғаройиб бинони японлар «ғоялар уйи», деб аташади. Қолаверса, бино ички қисмига ўрнатилган катта экранлар қаршисига келиб, дунёнинг ўзингиз хохлаган қисмига "саёҳат" қилишингиз мумкин. Бунинг учун ўзингизга керакли тугмани топиб, боссангиз бас...

Шу ўринда бир йилда 20 миллион дона маиший техника, яъни телевизор, тикув машинаси, кондиционер, совутгич ва шунга ўхшаш бошқа техника воситалари (уларнинг ўртача оғирлиги бир йилда 70 минг тоннани ташкил этар экан. Бунга 500 миллион тонна саноат чиқиндиларини ҳам қўшсангиз, кўз ўнгингизда улкан ахлат тоғлари пайдо бўлади)ни чиқитга чиқарувчи японлар ўз эски нарсаларини қаерга ташлайди, деган табиий савол туғилиши ҳам мумкин.

Бу саволга жавоб тариқасида шуни айтиш жоизки, бугунги кунда Коносуке Мацуситанинг авлодлари томонидан бошқарилаётган 41 та саноат ва маиший техника чиқиндиларини қайта ишловчи заводлар ана шу муаммони тўлиқ бартараф этмоқда. Аниқроқ айтганда, улар аҳолидан яроқсиз бўлиб қолган маиший техникаларни қабул қилиб оладилар. Бу ўринда "қабул қилиб оладилар" дейиш ҳам нотўғри. Чунки яроқсиз совутгични қайта ишлаш заводига топширган япон фуқароси 45 АҚШ доллари тўласа, яроқсиз кондиционерини топширишни истаган фуқаро 35 АҚШ доллари тўлайди.

Хўш, бу чиқитлардан нима ишлаб чиқарилади, деган яна бир савол сизни ҳам қизиқтираётган бўлса керак. Унда эшитинг:

Чиқитга топширилган бир дона телевизорнинг шиша қисмидан 68 дона стакан ишлаб чиқарилади. Кондиционер учун ишлатилган металл парчаларидан эса 190 дона пиво банкалари тайёрланишига нима дейсиз?!. Шунингдек, маиший техника учун ишлатилган мис, темир, пластмасса каби матереаллардан мамлакатда ишлаб чиқарилаётган совутгичларнинг 50 фоизи тайёрланади.

Хўш, буни ҳақиқий мўъжизадан бошқа яна қандай ном билан аташ мумкин?!.

**Ҳ. ИСЛОМОВ**

Giyohvandlik asr vabosi



# ОҒУ ЧАНГАЛИ

## ёхуд гиёҳвандликка ружу қўйган ака-уканинг кирдикорлари хусусида

Гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш, улар савдоси билан шуғулланиш бугунги кунда дунёда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Ҳеч кимга сир эмаски, гиёҳвандликка чалинган кимсаларни даволаш, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш йўлида сарфланаётган харажатлар миқдори ҳам кам эмас.

Амударёлик ака-ука Умар ва Сардор Матназаровлар ушбу ҳақиқатни яхши билишарди. Аммо қон билан кирган жон билан чиқади, деганларидек, улар гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга эрта одатланди ва бу иллатдан воз кечиш, ҳаётда одамдек яшашни сира хаёлларига келтирмадилар. Бунинг устига ака-укалар илгари ҳам Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинганди. Ҳар бир ориятли йигит учун бу жазо ва ундан қутулишда амнистиянинг қўлланилгани яхши сабоқ бўлиши лозим эди. Бироқ диёнат нималигини билмаган, ақл кўзлари очилмаган ака-укаларга бу тариқча кор қилмади. Аксинча, Умар суд мажлисида героин моддасини ўзини ўзи укол қилиш йўли билан истеъмол қилишини, сўнгги вақтларда бу моддани кунига икки марта қабул қила бошлаганини очиқ тан олди.

Ўша куни ҳам воқеа шу тариқа рўй берди. Сардор Қанғли қишлоғидан чиқди-да, унинг Туркманистон Республикаси билан чегарадош қисмида Гушимни кута бошлади. Гушим етиб келгач, ундан контрабанда йўли билан тўртта пакетчага ўралган кўп миқдордаги героин моддасини сотиб олди ва божхона назоратини четлаб ўтиб, Қанғлига қайтди. У ерда йўловчи машина кутиб тураркан, милиция ходимларининг синчков нигоҳларига дуч келди ва шу зайлда героин моддаларини акаси Умарга етказиш режаси буткул барбод бўлди.

Иш юзасидан ака-укалар хонадонларида тинтув ўтказилди. Тинтув чоғида Умар Маткаримов яшайдиган хонадондан истеъмол қилиш учун сақлаб қўйилган героин моддаси топилди.

Шундай қилиб, туғишган биродарларнинг гиёҳвандлик қилмишлари барҳам топди. Оғу чангалидаги ака-укалар жиноят ишлари бўйича Амударё тумани суди ҳукми билан маълум муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Ҳар иккала нашавандга жазони ўташ жараёнида гиёҳвандликдан мажбурий даво қўлланиладиган бўлди.

Амударёлик яна бир гиёҳванд Алишер Алиевнинг бу борадаги кирдикорлари баридан ўтиб тушди. Зотан, у олдин ҳам — 1999 йилнинг майида гиёҳвандлик моддаларини сақлаган ва истеъмол қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилган эди. Таассуфки, бу жазо инсофни унутган Алишерга сабоқ бўлмади. У қамоқ жазосини ўтаб қайтгач, ҳали судланганлиги тугамай туриб, яна гиёҳвандлик йўлини тутди ва оқибат-натижада иккинчи марта жазога тортилди.

Қисқаси, учала гиёҳванд ўзларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб берди. Бу галги ҳукм уларнинг кейинги тақдирларида ижобий ўзгаришлар ясай оладими ёки букрини гўр тузатади қабилидаги чиркин ҳаёт яна давом этадими — буни вақт кўрсатади.

**Т. ЭШМУРОД,**
**журналист**

# ҚАРЗ БЕРИШ ФАЗИЛАТ



**Бироқ айрим кимсалар томонидан ана шу фазилат суиистеъмол қилинаётгани ҳақида**

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

*Хуллас, бошимга ташвиш тушди. Аввалига қўшнимнинг ўғлига пул берган бойваччани инсофга чақирдим. “Барака топгур, ўзим ёлғиз она бўлсам. Ҳали вояга етмаган фарзандим бор. Ахир, қўшним олган пулини бераман, деб турибди-ку. Қолаверса, бу пулга менинг дахлим йўқ. Ахир, уйни олиб қўйсанг, мен болам билан кўчада қоламан-ку”, дедим. Қаерда, у эшитишни ҳам истамади. “Уйни бўшатасан, тамом-вассалом”, деб туриб олди...*

*Гапнинг қисқаси, узоқ тортишув ва судлашувлардан сўнг мен болам билан кўчада қолдим. Бойвачча на менинг кўз ёшларим, на гўдагимнинг илтижоларини инобатга олмади. Суд маҳкамасида ҳам иш “нотариал идорада ҳужжатларга ўзингиз қўл қўйиб бергансиз”, деб даъвогарнинг фойдасига ҳал қилинди. Ана шундан кейин яқин бир йил ҳақиқатни қарор топтириш учун елиб-югуришимга тўғри келди.*

*Худога шукр, дунёда ҳақиқат ва адолат бор экан. Ҳақиқат эгилар экану, лекин синмас экан. Ана шундай оғир кунларнинг бирида Чилонзор тумани ҳокимининг қабулига кирдим. У киши ҳамма гапларимни диққат билан эшитиб, муаммони ҳал этишга ёрдам берди.*

*Аввалига мени вақтинча яшаш жойи билан таъминлашди. Кейин эгасиз уйлардан бирига киритиб қўйишди. Фуқаролик ишлари бўйича Чилонзор тумани суди судьяси Арофат Алимова мени эгасиз уйга эгалик ҳуқуқимни тиклаб берди. Ҳаммаси учун менга ёрдам қўлини чўзган ҳар бир инсонга чин юракдан миннатдорчилик билдираман.*

*Ҳурматли таҳририят ходимлари! Сизлардан илтимос, ушбу мактубимни газета саҳифасида чоп этсангизлар. Биринчидан, бу менга меҳр-мурувват йилида мурувват кўрсатган инсонларга миннатдорчилигим бўлса, иккинчидан, бошқа юртдошларимиз мен каби хатога йўл қўймасликлари учун сабоқ бўлсин...”*

Ростини айтганда, газетхоннинг бу мактуби бизни эътиборсиз қолдирмади. Шунинг учун уни қандай бўлса, шу ҳолича чоп этишни режалаштирган эдик. Кейин ўйлаб кўрсак, ушбу мактубни мулоҳаза қилиб кўрса, арзийдиган жиҳатлари кўп экан.

Биринчидан, бу мактубни ўқиб чиққан ҳар бир ўқувчининг кўнглида аввало бу можароларни келиб чиқишига ким айбдор, деган ҳақли савол туғилади. Агар қонун нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, мактуб муаллифи ва унинг тижоратчи қўшниси айбдор бўлиб қолаверадилар. Чунки пул берувчи улардан нотариал тартибда уй-жой олди-сотдиси хусусидаги ҳужжатни имзолатиб олган. Бу қандай ва қай йўсинда амалга оширилгани бизга қоронғу. Энг асосийси, унинг қўлида қонуний ҳужжат бор. Шунинг учун ҳам бўлиб ўтган суд жараёнларида у ютиб чиққан.

Иккинчидан, ҳар бир фуқаро ўзи содир этган хатти-ҳаракати учун жавоб бериши қонунда кўрсатиб қўйилган. Шундай экан, мактуб муаллифи ҳам чеккан имзоси учун жавоб берган, дейишимиз мумкин.

Лекин бу ўринда, учинчидан, ва энг асосий сабаб, фоизга пул берувчи фуқаро қонунни бузмаганми, деган савол очиқ қолмоқда. Хўш, бизда фоизга пул бериб (келинг, ҳозирча судхўрлик деган атамани ишлатмай турайлик!) фойда олиш мумкинми? Албатта, йўқ. Муқаддас китобларимизда ҳам судхўрлик ҳаром дейилган, қораланган. Қолаверса, амалдаги қонунчилигимизда ҳам судхўрликка йўл берилмаган. Шундай экан, бу иллат қаёқдан пайдо бўлмоқда, деган саволни ўртага ташлашга ҳақлимиз.

Келинг, шу ўринда судхўрликнинг ҳуқуқий оқибатларини ҳам таҳлил қилиб кўрайлик.

Muhokama uchun mavzu

Биринчидан, ҳуқуқий тил билан айтадиган бўлсак, судхўр ўз ҳаракатини ғараз мақсадда содир этади. Яъни у берган маблағ эвазига кимдир ишлаб топган фойдага шерик бўлади. Ишлаб топувчининг соф даромади, яъни меҳнат маҳсулини ўзлаштиради. Шунинг билан бир пайтда ўз маблағини ўзгармаслигини таъминлайди. Агар қарз олувчи олган қарзи миқдоридан икки-уч баравар ортиғи билан қайтарган бўлса ҳам (афсуски, ҳаётда ондасонда бўлсада, бундай воқеаларга ҳам дуч келиб турибмиз), охир-оқибат фоиз тўлай олмай қолса, унга ёки оиласига тегишли бўлган мол-мулкка тажовуз қилади. Бунга юқорида мисол тариқасида келтириб ўтган мактубимиз ҳам далил бўла олади.

Иккинчидан, яна кўпчилигимиз гувоҳ бўлган бир ҳолат бор. Одатда, кимгадир пул берган “ишбилармон” — қарз олувчи ўз муддатида қарзини қайтара олмаса, унинг уйига боради, оиласининг тинчини бузади. Уни қўни-қўшниси олдида ҳақоратлаб, қадр-қимматини ерга уради. Аслида бундай ҳолатда судхўрга нисбатан Жиноят кодексининг 277-моддаси қўлланилиб, у жазога тортилиши керак. Қолаверса, жамоатчилик олдида шовқин-сурон кўтариб, жамоат тартибини бузганлик учун ҳам қонунда белгиланган жазо чоралари мавжуд. Бу ўринда қарз берувчига нисбатан Жиноят кодексининг 104-моддасини қўллаш мумкин. Лекин аксар ҳолларда қарздор ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилмайди. Тўғрироғи, мурожаат қилишга чўчийди. Чунки судхўрнинг қўлида унинг қарздорликка оид тилхати ёки нотариал тартибда ҳужжатлаштирилган гаров мулки бўлади.

Учинчидан, бунга ҳам кўпчилигимиз гувоҳ бўлганмиз, қарз берувчи кўп ҳолларда оиланинг биринчи эҳтиёжи ҳисобланган телевезор, совутгич, гилам ва қарздорнинг оиласига тегишли бўлган бошқа мол-мулкларни ҳам ўзбошимчалик билан эгаллаб олади. Агар қонун нуқтаи назаридан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, у бу хатти-ҳаракати билан Жиноят кодексининг 229-моддасини бузган ҳисобланади.

Яна шуни айтиш кераккки, уй-жой ўша уйда яшаётган барчага тегишли. Ота, она ёки ўғилнинг айби билан барча оила аъзоларининг кўчада қолиши ҳам нотўғри. Қолаверса, бизнинг инсонпарвар қонунчилигимиз оиланинг яшаши учун биринчи эҳтиёж ҳисобланган оилага тегишли бўлган мол-мулкларни, жумладан, уй-жойни гаровга қўйишни таъқиқлайди.

Бундан ташқари, судхўр бировларга берган пулидан мўмайгина фойда олади ва бу фойдадан даромад солиғи тўламайди. Демак, бу ўринда солиқ қонунчилиги ҳам бузилади. Шундай экан, нега энди “қарз берувчи ишбилармон” қонун олдида жавоб бермаслиги керак экан. Бизнинг назаримизда, судхўрликни ҳам иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар сирасига киритиш ва уларга нисбатан қўлланиладиган жазо чораларини ишлаб чиқиш зарур.

**Ислом ҲАМРО,**
**журналист**

Jinoyat olamida

# ЁМОНДАН ҚОЛГАН “ДОД”

**КИМ ҚИЛМАГАЙ, КИМ ТОПМАГАЙ...**

Жиноятчилик тарихига “Яшил одам”, “Бостонлик буғувчи” ва шунга ўхшаш бир қатор лақаблар билан кирган Альберт де Сальво АҚШ ҳудудининг Атлантика океани қирғоқларида жойлашган Бостон шаҳрида яшаган. У ўзининг жиноий ҳаракатлари давомида 2000 та зўрлаш жиноятини содир этган. Полиция маҳкамаси ходимлари билан суҳбат давомида, у ўзининг 13 нафар аёлни зўрлаб, сўнгра ўлдиргани ҳақида сўзлаб беради. Лекин сўроқ протаколларини имзоламайди. Демак, Сальво расман бу қотилликларни тан олмаган. У 8 ой давом этган сўроқ давомида ўзининг руҳий хасталигини исботлашга ҳаракат қилади. Чунки у агар ўзининг руҳий хасталиги тан олинса, жавобгарликдан қутулиб қолишига ақли етарди.

Бироқ узоқ вақт давом этган суд жараёнида Альберт де Сальвонинг ақлан соғломлиги исботланади ва у 1968 йилнинг 18 январида бир умрлик қамоқ жазосига маҳкум этилади. Суд ҳукмига кўра, жиноятчи жазони “Уолпол” турмасида ўташи керак эди.

Суд ҳукмидан норози бўлган Сальво 1968 йилнинг 24 февралида икки нафар жиноятчи билан “Уолпол”дан қочишга муваффақ бўлади. Икки кун давомида Атлантика океани соҳилларида истиқомат қилувчи аҳоли қўрқув ичида ёвуз кимсанинг янги ваҳшиёна кирдикорлари ҳақидаги хабарни кутади. Лекин буни қарангки, орадан икки кун ўтиб, яъни 26 февраль куни Сальво ўз оёғи билан полиция маҳкамасига кириб келади ва айбини тан олиб келганлигини ҳисобга олиб, уни турманинг руҳий хасталар учун мўлжалланган қисмига жойлаштиришларини талаб қилади.

Суд Сальвонинг бу талабини ҳам қондиришни истамайди ва уни яна турмага жўнатишади. Тақдирга тан берган Альберт де Сальво энди турмада қора дори савдоси билан шуғулланувчилар ичига суқулиб киришга ҳаракат қилади. Қорадорифурушлар эса уни ўз сафларига олишни исташмайди. Ана шундан кейин Сальво улар билан яккама-якка курашишга киришади...

Ушбу кураш натижасида 1973 йилнинг 25 ноябрида турма ҳудудида Альберт де Сальвонинг жонсиз жасади топилади. Унинг чап кўксига 16 марта пичоқ санчилган эди. Терговсуруштирув ишлари жуда узоқ давом этади. Лекин барибир Сальвонинг қотили топилмайди.

Айтиш мумкинки, ваҳший жиноятчи суд ҳукми билан эмас, аксинча, ўз қавми бўлган жиноятчилар ҳукми билан қилмишига яраша жазо олади. Чунки Альберт де Сальво содир этган жиноятлар миқёси, шубҳасиз, ўлим жазосига лойиқ эди. Шунга айтишса керак-да, ким қилмагай, ким топмагай...

**“ДАҲШАТГА СОЛУВЧИ ЖЕК”**

Навбатдаги “қаҳрамонимиз” жиноятчилик тарихига худди шундай лақаб билан кирган. “Даҳшатга солувчи Жек” — Жон Уильямс қўлга тушгунга қадар нафақат Лондон аҳолиси, балки бутун Англия қўрқув ичида яшади, дейиш мумкин. Жон Уильямс 1811 йилнинг декабр ойида Лондоннинг Ретклиф Хайвей туманининг Ист-Энде мавзесида икки оила вакилларини ўлдириб кетади. Қотил ўз қурбонларининг бошига дурадгор болғаси ва қўрғошиндан тайёрланган махсус мослама билан урган. Бу фожиали воқеа бутун Англияни ларзага солади. Оддий халқ ҳуқуқ ҳимоячиларидан қотилни топиб, жазолашни талаб қила бошлади.

“Даҳшатга солувчи Жек” — Жон Уильямснинг қўлга тушишига ҳам айнан қўрғошиндан қуйилган мосламанинг синиғи ёрдам беради. Чунки Жоннинг кучли зарбасидан сўнг бу мослама синиб кетган ва унинг бир бўлаги қотиллик содир этилган хонадонлардан бирига тушиб қолган эди. Изқуварлар ана шу қўрғошин бўлаги орқали жиноятчининг орқасидан тушишади ва тез орада уни қўлга олишади.

Жон Уильямснинг қонуний жазога тортилишини бутун Англия аҳли интиқлик билан кутарди. Ҳатто унинг жазоланиши Англия бўйлаб халқ байрамига айланиб кетиши ҳам мумкин эди. Лекин суд тугашига атиги бир ҳафта вақт қолганда Жон турма яккахонасида ички кийимларидан ясалган арқонга ўзини осиб қўяди. Бироқ унинг ўлими ҳам ҳукумат вакилларини ўз ниятларидан қайтара олмади. Суд Жон Уильямсни омма олдида жазолаш ҳақида ҳукм чиқарди. Аввалига жиноятчининг жасадини “New Gate” турмаси олдидаги майдонга осишади. Шаҳар аҳолиси унга ўз нафратини билдиргач, уни сиртмоқдан ечиб олишади ва юрак қисмига махсус қозиқ қоқишади. Ҳуқуқ ҳимоячилари шу қадар жунбушга келишган эдики, сиртмоқ ва қозиқдан сўнг Жоннинг жасадини гулханда куйдиришади.

Тўғриси, 1811 йилга қадар ва ундан кейин ҳам “Жон Уильямс иши” ҳамда унга нисбатан қўлланилган жазо чораси Англия суди тарихида учрамайди.

**АЙБСИЗ “АЙБДОР”**

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Англия суд тизими жуда қадим тарихга эга. Лекин “иш бор жойда хато ҳам бўлади”, деганларидек, англиялик ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам хатолардан холи эмас экан. Буни қуйидаги айбсиз “айбдор” бўлган Уильям Хэброннинг “жиноят иши” мисолида ҳам кўриш мумкин.

1876 йилда Лондон шаҳри фуқароси ҳисобланмиш 18 ёшли Уильям Хэброн устидан жиноят иши қўзғатилади. У полиция ходимини ўлдиришда айбланади. Суд жиноят ишини кўриб чиқиб, Уильямга ўлим жазоси белгилайди. Шуни айтиш керакки, ўша даврда 19 ёшга тўлмаган ўспиринлар вояга етмаган ҳисобланарди. Уильямнинг эса 18 ёшга тўлишига ҳали икки ой бор эди. Шунинг учун ҳам суд ижрони икки ойга тўхтатиб туради.

Ушбу вақтдан унумли фойдаланган Уильям Хэброннинг адвокати жиноят ишидаги айрим чалкаш жойларни аниқлайди ва ишни аппеляцияга беради. Шундан сўнг ишни қайта кўриб чиққан юқори суд маҳкамаси ўлим жазосини бекор қилади ва “жиноятчи”ни умрбод қамоқ жазосига ҳукм этади. Уильям адвокатининг кейинги барча хатти-ҳаракатлари эса зое кетади. Фақат кутилмаган воқеагина айбсиз “айбдор”нинг жазодан қутулиб қолишига сабаб бўлади.

Қаҳрамонимиз турмада роппа-роса уч йил ўтиргач, жиноятчилик оламида Чарльз Пис номи билан машҳур бўлган рецидивист қўлга тушади. У тергов жараёнида ўзининг барча кирдикорларини тан олади. Жумладан, Уильям Хэброн ноҳақ жазога ҳукм қилингани, аслида полициячини Уильям эмас, балки ўзи — Чарльз Пис ўлдирганини ҳам таъкидлаб ўтади.

Чарльзнинг кўрсатмаларидан кейингина яна “Уильям Хэброн иши” яна қайта куриб чиқилади ва у тўлиқ оқланади.

Озодликка чиққач, суд маҳкамаси Уильям Хэбронга 800 фунт миқдорида товон пули тўлайди.

Ана шунга айтсалар керакда: ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди...

**ЎЛИБ ТИРИЛГАН ЎҒРИ**

Тўғриси, бу воқеани ажойиб-у ғаройиб деса, арзийди. 1634 йилнинг 27 мартида Англиянинг Йорк шаҳрида ўғри Жон Бартендейл ўлим жазосига ҳукм қилинади ва у кўпчиликнинг кўз ўнгида осиб ўлдирилади. Жиноятчи дорда роппа-роса 45 беш минут осилиб тургач, уни тушириб олишади ва махсус ҳакамлар ўғрининг жони узилгани ҳақида хулоса беришади.

Шундан кейин Жоннинг жасади шаҳар ташқарисидаги ялангликда кўмилади. Орадан бир неча соат ўтгач, кутилмаганда Жон Бартендейл ўзига келади. Қарасаки, қоп-қоронғу лаҳадда ётибди. Яна бироз вақт ўтса, дорда узилмаган жони ҳаво етмаслигидан узилиб қолишига кўзи етган ўғри жонжаҳди билан лаҳаддан чиқишга ҳаракат қила бошлайди. Албатта, ўша пайтда маҳаллий аҳоли вакилларида бири тасодифан ялангликдан ўтиб қолмаганида, Жоннинг ўз қабридан чиқиб олиши даргумон эди.

Ўғрининг омадини қарангки, йўлдан ўтиб бораётган йўловчи қабр тупроғининг сезилар-сезилмас қимирлаётганини сезиб қолади ва Жон Бартендейлни қабрдан чиқиб олишига кўмак беради.

Шундан сўнг воқеадан хабар топган округ шерифи маҳаллий суд идораларидан Жон Бартендейлни қайта жазолашни талаб қилади. Бу гал ҳам тасодифий йўловчи Жонга ёрдамга келади ва “мен ҳеч кимни қабрдан кавлаб олганим йўқ. Жон Бартендейл исм-шарифли шахсни эса танимайман”, деб кўрсатма беради.

Жон Бартендейл эса қадимий англияликлар ҳуқуқидан фойдаланиб, ўзини бошқа исм билан аташларини талаб қилади. Суд бир ўлиб тирилган ўғрининг талабини қондиришга мажбур бўлади. Чунки яна Жон Бартендейлни суд қилайлик дейишса, унинг ўлим факти суд ҳужжатларида қайд этилган. Бир кишини эса икки марта қатл қилиб бўлмайди. Ўзига бошқа исм олган Жонни эса, худди янги туғилган чақалоқ каби бирор айби йўқ...

...Ва ниҳоят, ноилож қолган суд маҳкамаси ушбу жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатишга мажбур бўлади.

Ана шундан кейин Жон Бартендайл жуда узоқ йиллар умргузаронлик қилади. Энг асосийси, у қайта ўғирликка қўл урмайди ва умрининг охиригача ҳалол меҳнат билан яшайди.

**Интернет материаллари асосида И. ҲАМРОЕВ тайёрлади**

Mitti maslahat

# МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ

**Маълумки, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 21-моддасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятга эга бўлган тақдирда, бу ишни кўриб чиқишга ваколати бўлган идора (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин эканлиги белгиланган.**

**Аммо ҳаётда баъзан судлар томонидан содир қилинган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг аҳамияти юқори бўлса ҳам у ёки бу сабаб рўкач қилиниб (масалан, иқтисодий оғир аҳволи, ногиронлиги ва ҳоказолар) ҳуқуқбузар маъмурий жавобгарликдан озод қилиниб, огоҳлантирилмоқда. Албатта, бу ҳолни қонунан тўғри деб бўлмайди. Нега деганда огоҳлантириш фақат кам аҳамиятли ҳуқуқбузарлик учун татбиқ этилиши керак.**

**“Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 21-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятли эканлиги ҳақида фикр юритиш имконини берадиган белгилар рўйхати ёки кўрсатмалар қайд этилган. Булар - катта ижтимоий зарар етказмайдиган ва жамият ҳамда фуқароларга бирон-бир даражада зиён келтиролмайдиган хатти-ҳаракатлардир.**

**21-модда барча кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликдан озод қилишнинг мажбурий эканлигини билдирмайди, балки фақат ана шундай қарор қабул қилиш ҳуқуқини назарда тутади. Шу сабабли мансабдор шахс ҳуқуқбузарликнинг барча томонларини қараб чиқиши, унинг оқибатларига баҳо бериши, хатти-ҳаракатни содир этиш билан фуқароларга ёки жамиятга бирон-бир даражада катта зарар етказилмаганига ишонч ҳосил қилиши, ҳуқуқбузарлик содир этилган шароитни, ҳуқуқбузарнинг шахсини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни татбиқ қилиши лозим. Аниқланган барча маълумотлар ҳуқуқбузарни жавобгарликдан озод қилиш ва унга нисбатан огоҳлантириш билан чекланиш мумкин ёки йўқми, деган саволга жавоб беради.**

**Мухлиса ПАТТАЕВА**



*Қор соғинчи*

Charxi kajraftor

**ҚЎШ КЕЛГАН ОМАД**

Омад деган нарса дунёда бор гап, дейди шоир. У ҳақ. Нега деганда, шу омад туфайли не-не бало-қазолардан омон қолган кишилар ҳаётда кўп.

Оддий бир мисол. Колумбияда бир моторли самолёт учувчиси ва икки нафар йўловчи икки марта ўлимдан омон қолишди.

Воқеа эса қуйидагича содир бўлган: “Сесна” енгил самолёти Колумбия шимолида жойлашган Караколи шаҳрига йўл олади. Унда АҚШнинг “Женерал электрик” компаниясининг Колумбиядаги бўлимида ишлайдиган икки нафар техник ходими ҳам бор эди. Манзилга етишига озроқ қолганида бирдан самолётнинг мотори ўчиб қолади. Учувчи қанча уринмасин, барибир уни ишлата олмайди. Шундан сўнг у бир амаллаб самолётни яқин атрофдаги кўллардан бирида қўндиришга муваффақ бўлади.

Бироқ омадни қарангки, самолёт қўнган кўл шу ердаги тимсоҳ кўпайтирувчи фермалардан бирига қарашли экан. Бир ҳалокатдан омон қолган уч бахтли инсон тимсоҳ тўла кўлнинг нақ марказига тушиб қолишади. Ўнлаб тимсоҳлар “осмондан тушган тайёр емиш” мазасини тотиб кўришга шай туришарди.

Ҳар тугул ферма ишчилари самолётнинг қулаётганини кўриб қолиб тезда ёрдамга етиб келишади. Омаднинг қўшалоқ келгани шу бўлса керак-да. Йўқса, бир эмас, кетма-кет икки марта ўлимни доғда қолдиришнинг ўзи бўлармиди?!

**ҒАРОЙИБ ҲУКМ**

“Билмайин босдим тиканни” деган жумлаларни россиялик Владимир Лазарев энди “Билмайин тепдим итни” деб ўзгартириб айтадиган бўлди.

Бунинг сабаби шундаки, у бир куни ўғли билан кўчада сайр қилиб юрганида оёғининг остига ўралашиб юрган итни нарироққа ҳайдаш мақсадида тепиб юборади. Жуссаси кичкина бўлган ит сал нарига учиб бориб бошқа бир йўловчининг оёғи остига тушади ва шу заҳоти жон беради.

Итнинг эгалари Владимир Лазаревни судга беришади. Унга қарши жиноий ишни суд икки кун мобайнида кўриб чиқади. Суднинг ҳукмига кўра, айбланувчи келтирган моддий ва маънавий зарари учун итнинг эгасига анчагина жарима тўлайдиган бўлди.

**Динора АҲМАТОВА тайёрлади.**

Jinoyat va jazo

# ЭГРИ ТАЁҚ

СУД ОЧЕРКИ



**БИРИНЧИ ВОҚЕА**

2004 йилнинг 7 октябр куни. Сафарбой суд залидан қандайдир енгил кайфиятда чиқди. Йўлда бораркан, ўз бошидан ўтказган воқеаларни бирма-бир кўз олдига келтирди. Тўрт йилча муқаддам гиёҳвандлик моддаларини сақлагани ва истеъмол қилганликда айбланиб, 3 йилу 9 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. **“Амнистия тўғрисида”**ги Президент Фармонига биноан унинг айби кечирилди. Яхши отга бир қамчи деганларидек, мана шунинг ўзи унга ҳаётий сабоқ бўлиши лозим эди. Аммо Сафарбой давлатимиз раҳбарининг бағрикенглигидан ўзига тегишли хулосалар чиқариб олмади. Аксинча, бирорбир жойда доимий ишламасдан, кўчада тараллабедод қилиб юришда давом этди. Орадан кўп ўтмай ўғрилик жинояти содир этди. Бу гал унга 65 минг сўмлик жарима жазоси тайинланди. Қиш бошида Сафарбой туман марказидаги бозорга борди. Шунда унинг кўзи чеккароқдаги савдо растаси устидаги олақуроқ сумкага тушди.

Сафарбой атрофга қараса, ҳеч ким кўринмайди. Бу эса унинг кўнглига ғулғула солди. Шайтон васвасасига учган Сафарбой шу тариқа секин сумкага яқинлашди. Атрофга бир қур олазарак боқди-да, сумкани қўлига олиб қочди.

Уйга келиб сумкани очиб кўрганда, унинг ичида анча пуллик ҳар хил кийим-кечаклар бор экан. Бундан Сафарбой оғзи қулоғига етиб, эртанги кун режасини туза бошлади.

У ўғирланган молларни қимматроқ нархга пуллаш учун Бухоро вилоятига йўл олди. Бироқ режаси амалга ошмади. У Бухоро шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди.

Қонун адолат тамойилларига суянади. Сафарбой Аллашев суд томонидан хавфли рецидивист деб тан олинди ва қилмишига яраша жазоланиб, озодликдан маҳрум этилди. Тўрткўл деҳқон бозоридан ўғирлик йўли билан ўмарган моллар эгасига қайтарилди.

**ИККИНЧИ ВОҚЕА**

Оразимбет Тожимуротов ва Жумамурот Аннамеретов бир-бирлари билан яқин улфат эмас. Бироқ улар ҳаётининг талайгина ўхшаш томонлари бор. Жумладан, ҳар иккаласи атиги бир йил фарқи билан 27 август куни туғилишган. Устигаустак, тақдир ҳукмини қарангки, иккалови ҳам оиласи билан ажрашган, ҳеч қаерда ишламайди.

Бундан ташқари, иккаласи ҳам ўз жиноий қилмишлари учун бир неча маротаба судланган. Аниқроғи, Оразимбет Тожимуротов 4 марта, Жумамурот Аннамеретов эса икки марта суднинг қора курсисида ўтирган.

Ўхшатмасдан учратмас деганларидек, шайтон васвасаси уларни яна тубанлик сари етаклади. Оразимбет ўғрилик бобида анчагина тажрибага эга эмасми, олдиндан мол ўғирланадиган хонадон йўли, эшик-тирқишлари билан танишиб, иш бошлашни режалаштирди, зарур анжомларни ҳозирлаб қўйди. Шу кўйи қоронғу тун оғушида шаҳарнинг Ибн Сино кўчасида жойлашган 13-уй олдида пайдо бўлди. Ҳамма уйқуда. Оразимбет оҳиста қадамлар билан молхона томон яқинлашди. Тезда деворнинг нурай бошлаган жойини топди. Қўйин чўнтагидан темир бўлагини олдида, деворга ура бошлади. Ҳайрият, иш осон кўчди: зумда кичик дераза янглиғ тешикча очилди. Оразимбет абжирлик билан ичкарига кирди-да, бирин-кетин иккита кўчқорни судраб чиқди. Тонг оқарар палла да кўчқорларни нотаниш кимсага 58 мингга пуллади.

Текин пулни харжлаш осон. Текинга ўрганган кишининг бўйни ишга ёр берармиди?! Оразимбет ҳам тезда яна ўғрилик пайида бўлди. Бу сафар у “ов”ни “Ўнлибоғ” ширкат хўжалигидан белгилади. Одатдаги тунларнинг бирида фуқаро Ҳамид Абдуллаевнинг молхонасига ўтиб, бир бош шохдор қўчқорни ипидан тутиб судраб чиқди. Аммо узоққа кетолмади. Жонивор жон ҳолатда маъраб, ўзини ўғирлаб кетилаётганини ҳаммага «аён қилди»...

Энди Жумамуротга эътибор қаратадиган бўлсак, у содир қилган ўғирлик жинояти олдида Оразимбетники ип эшолмай қолади. Жумамурот Оразимбет сингари ўйлаб-нетиб ўтирмади. Ўғрига мол кўп. Фуқароники, давлат ёки жамоат мулкими — унга нима фарқи бор? Ўғрида андиша бўладими?! Жумамурот қора шарпа мисол тўғридан-тўғри Адаққиев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган 21-сон ўрта мактабга оёқ босди. Қишлоқ шаҳар эмас, ҳар ҳолда тинчроқ. Буни яхши англаган Жумамурот мактабнинг ташқи эшигини эринмай бузди. Мактаб ичкарисига кириб, синфхоналарининг эшикларини бирбир кўздан кечирди. Мустаҳкамроқ, кўркамроқ деб билган иккитасини қўлидаги анжомлар билан девордан ажратди.

Ўғирликнинг моли ҳаром, дейишади. Ҳаромдир, бироқ виждонсиз, баднафс кимсалар ҳаромни ҳам ямламай ютиб юборади. Жумамурот эшиклар пулини ҳазм қилиб бўлгач, яна теварак-атрофга алангла бошлади. Яна ўша ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи фуқаро Гулнор Жумақиличева хонадони олдидаги чайлага, унга тўшалган чиройли миллий кўринишдаги кигизларга кўзи тушди. Кигиз бўлса, нима? Така бўлсин, сут берсин, осонгина ўмарди-кетди...

Албатта, қинғирлик ҳеч қачон жазосиз қолмаган. Ўғирликни касб-корга айлантирган жиноятчилар Оразимбет Тожимуротов ва Жумамурот Аннамеретов қилмишларига яраша жазоланди. Ҳар иккалови хавфли жиноятчи сифатида айбланди. Эгри таёқ тўғри бўлмайди, деб шунга айтишсалар керак-да...

**Эркабой САБУРОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-117. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5